



ДАВРА СУХБАТИ



Мақсадли ва самарали фаолият

Касаба уюшмаларининг фаолияти серқўлам. Бунинг асосида, шубҳасиз, ижтимоий шериклик тамойиллари устувор. Шу нуқтаи назардан қўллаб ташкилотлар, жумладан, республика Бош прокуратураси билан ҳам изчил равишда ҳамкорлик қилиб келинади.

Кеча ташкил этилган давра суҳбатда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши масъул ходимлари Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчиларига касаба уюшмалари фаолияти ҳақида атрафли маълумот берар экан, ҳамкорлик доирасидаги фаолиятга ҳам тўхталиб ўтишди.

Унда Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Жумладан, инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашда иккала ташкилотнинг фаолияти уйғун экани, чунинчи, жойлардаги касаба уюшмалари билан биргаликда меҳнаткашлар орасида учраётган турли муаммоларни бартараф этишда биргаликда муайян ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Урашувда касаба уюшма фаолиятига ҳам қисқача таъриф берилди. Маълумки, кейинги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иш қўламини кенгайтиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган турли соҳалардаги ислохотларни амалиётга таътиб этишда жамоат ташкилотларининг кўмаги катта бўлапти.

Меҳнат муносабатлари оид масалалар, аҳоли даромадларини ошириш, меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш ва иш бевуричлар билан ушбу масалалардаги муносабатларни йўлга қўйишда касаба уюшмалари асосий рол ўйнайди.

Айниқса, 2010 йилда Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция муҳим воқеа бўлди. Унда бевосита жамоат ташкилотларининг жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлаш вазифи ҳам қўйилган. Вазирилар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-Саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош келишувнинг имзоланиши эса фаолият қўламини янада кенгайтирди. Худудий, тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини тўлақонли ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимиздаги 94 фоиз меҳнаткашларнинг манфаатлари жамоа шартномалари билан қамраб олингани қувонарли ҳол. Борган сайин ижтимоий шериклар сифатининг кенгайтириб бораётгани кенг қўламада ва самарали ишлаш омили бўлмоқда. Шу ўринда, касаба уюшмалари қатор қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқишида фаол иштирок этаётгани, юридик хизмат ва «Ишонч» телефонлари фаолиятининг йўлга қўйилганини таъкидлаш ўринли.

Меҳнаткашларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, дам олиш ва соғлиғини тиклашда ҳам муваффақиятларга эришилмоқда. «Соғлом она — соғлом бола» шiori остида олиб борилаётган ишлар, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги янгица ёндашувлари мисол сифатида қайд этиш жоиз. Дарвоқе, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан касаба уюшмалари томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 200 минг сўмдан пул мукофоти ёрдам сифатида берилгангани ҳам ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос намунаси.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Асл анъаналарнинг асрий садоси

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида «Асрлар садоси — 2012» фестивали бўлиб ўтди

2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали халқимизнинг анъана ва уюмлари, амалий санъати ва миллий таомлари, халқ оғзаки ижоди каби йўналишларининг турфа ва хилма-хил эканлигини намойн этиди. Айни пайтда мазкур фестивал бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, бу йўналишда унутилаётган услуб ва мактабларни тиклаш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётди.

Фестивал ҳар йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётгани боис унинг географияси тобора кенгайиб, мазмун ранг-баранглашиб бормоқда. «Асрлар садоси — 2012» анъанавий маданият фестивалининг қадим қорақалпоқ диёрида ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга.

Қорақалпоқ халқи ўзининг миллий маданиятини, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, удув ва анъаналарига эга. Унинг бой ўтмиши, халқ оғзаки ижоди, миллий қахрамонлари, мумтоз шоир ва ёзувчилари мероси катта маънавий хазинадир.

«Асрлар садоси — 2012» фестивалида ана шу бой тарих ва маданият яна бир бор намойн бўлди. Қўллаб янги дастурлар, мусиқий чиқишлар, театрлаштирилган томошалар, давра суҳбатлари ва либослар намойишида қорақалпоқ халқининг этнографияси, маданияти ва санъати оид асл хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган уста ва хунармандларнинг ижодига бағишланган амалий санъат кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда кулолчилик, қандакорлик, каштачилик, миниатюра, тикувчилик ва ўймакорлик усталари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Ушбу маданият байрамига Нукус шаҳри ва Эллиқалъа туманида катта тайёргарлик қўрилди. Тупроққалъа ёдгорлиги атрофида уч минг ўринли амфитеатр, халқ ўйинларини ўтказишга мўлжалланган майдонлар барпо этилиб, ҳар бир вилоят вакиллари учун алоҳида ўтовлар тикчилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланди. Шаҳар марказида барпо

этилган яшил майдон ва фавворалар Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлаб турибди. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкалининг қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожини, ёш авлод тарбиясига қаратилаётган улкан эътиборнинг яна бир намунаси.

Янги қурилган замонавий турар жой бинолари, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, аэропорт, темир йўл вокзали ҳамда бошқа қатор иншоотлар шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди. Бу Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги, одамларнинг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларнинг амалдаги ифодасидир.

5 май куни Нукус шаҳри янада кўркем қиёфа касб этди. Бу ерда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси шафелигида миллий чолғу асбобларини ясаш устахонаси очилди. «Ташаббус — 2012» кўркем танловининг мамлакат босқичи совиридоғи, уста Азатбай Утарбаев мусиқа асбобларининг тарихи, уларни ясаш усуллари оид амалий семинар ўтказди.

Тадбирда қорақалпоқ миллий чолғу асбобларида қуйлар ижро этилди. «Қорақалпоқ халқининг эпик мероси» компакт-дискларининг тақдими ўтказилди.

Фестивал дастурида илмий янгиликларга ҳам кенг ўрин берилди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида ўтказилган «Орол-бўйи: худуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари» мавзусидаги давра суҳбатидан ушбу минтақа тараққиётига оид масалалар муҳокама қилинди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг экологияни яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, миллий хунармандчиликни кенгайтириш каби масалаларга қаратилган ижтимоий лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи жамоаси-



га янги автобус совға қилинди.

Эллиқалъа туманидаги Тупроққалъа ёдгорлигида талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими олимлари, тарихчи ва этнографлар Тупроққалъа тарихи, бу ерда олиб борилаётган археологик изланишлар, топилаётган нобъ ашёлар ҳақида иштирокчиларга сўзлаб бердилар.

Ахалтекин отларининг кўргазмаси фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Полвонлар, дорбозлар, миллий цирк санъати усталари чиқишлари, от пойғалари, улоқ-қўпқари мусобақалари фестивалга янада кўтаринкилик бахш этди.

Фестивалнинг иккинчи куни ҳам рангбаранг тадбирлар, қизиқарли учрашувлар, маърифий анжуманлар, кўргазма-ярмаркалар, концертлар, ижодий кўрик-танловларга бой бўлди. Ўзига хос байрамга айланиб кетган ушбу тадбирларни нафақат Қорақалпоғистоннинг туман ва овуллари, балки қўшни вилоятлар аҳолиси ҳам катта қизиқиш билан томоша қилди. Айни пайтда ушбу йирек анжуманда АКШ, Япония, Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Россия, Италия ва Испания сингари қўллаб-қувватлардан келган хорижий меҳмонлар ҳам иштирок этди.

Фестивал асосида Ўзбекистоннинг бой маданияти, барҳаёт урф-одатлари билан бевосита танишиш имкони эга бўлганидан жуда мамнунман, — дейди халқро туризм бўйича мутахассис Сезар Малакон (Мексика). — Бу мамлакатимизда туризмни янада ривожлантиришга кенг имконият яратди. Чунки Ўзбекистон дунё сайёҳларини нафақат қадимий обидалари ва гўзал масканлари, балки ўзининг маданияти ва санъати оид нобъ ёдгорликлари билан ҳам кенг жалб этиб келмоқда. Ўзбекистонда асл ҳолича сақланиб, ҳар томонлама ривожланиётган миллий урф-одат ва қадриятлар бебаҳо моддий ва маънавий бойлиқдир.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди. А. КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат

Хотира — абадий, жасорат — мангу

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 19 апрелда «9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан касаба уюшмаларининг «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акциясини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида барча ҳудудлардаги касаба уюшма ташкилотлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳри
Шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиш, иззат-икром кўрсатиш, уларнинг тарихий қадимликларга саҳнати ташкил этиш, театр ва концертларга ташрифлар уюштириш, бепул дори-дармонлар олиб бериш каби қўллаб-қувватлашда амалий ишлар олиб боришмоқда.
Шунингдек, бирлашма Кенгаши стипендияси таъсис этилган бўлиб, унга кўра, жамоат ишларида фаол, ташаббускор ёшлар кенгаш томонидан мунтазам равишда рағбатлантирилиб келинмоқда.
Тадбирда олий ўқув юрларининг 5 нафар талабасига диплом, касб-хунар коллежи ўқувчиларининг 10 нафарига эсдалик совғалари, уруш ва меҳнат фахрийларининг 10 нафарига Тошкент ша-

ҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг моддий ёрдам ва фахрий ёрликлари топширилди.
Андижон
Вилоят касаба уюшмалари томонидан Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб қорхона, ташкилот ҳамда муассасаларда ишчи-хизматчилар, талаба-ёшларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари билан маънавий-маърифий тадбир, учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди. Тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари томонидан спортнинг волейбол, футбол, стол теннис, шахмат-шашка турлари бўйича хотира турнирлари ташкил этилди.
Уруш ва меҳнат фахрийларининг тарихий қадимликларга саҳнати уюштирилди. Саҳоват ва Муруват уйларида истиқомат қилаётган қариялар, ногирон ҳамда якка-ёлғизлар

ҳолидан хабар олинди.
Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан 300 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронларга ўттиз миллион сўм миқдоридики моддий ёрдам кўрсатилди.
Бухоро
Когон туманидаги «Нурафшон» ҚФЙда яшовчи Каром ота Қозимов учун бу йилги байрам янада файзли, тароватли бўлди. Май ойи бошида Республика Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига асосан унга 400 минг сўм мукофот пули берилди.
Байрам арафасида 90 ёшни нишонлаган Каром отанин қувончига-қувонч қўшилди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши вакил-

лари унинг хонадонига ташриф буюриб, совға-салом ва 100 минг сўм пул мукофоти топширишди. Илиқ ва самимий суҳбат, шукроналик, эзгу тилаклар қўнғилларга ҳузур бахш этди.
Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташкилоти ва тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари томонидан уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳолидан хабар олинди, уларга 30 миллион сўм пул мукофоти топширилди.
Кунини кеча вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси залида катта тадбир ўтказилди ва байрам концерти намойиш этилди. Уруш қатнашчиларига совғалар топширилиб, бир пайла чой устида мазмунли суҳбат қўрилди.
Фарғона
Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида касаба уюшмалари фарғоналик машхур олим, техника фанлари доктори, профессор Рустам Тешабоев хотирасига бағишланган мини футбол мусобақаларини ташкил қилди. Марҳум узоқ йиллар вилоят мини-футбол федерацияси раиси сифатида фаолият кўрсатган. Спорт ривожига катта ҳисса қўшган.
Шунингдек, касаба уюшмалари

ташкилотлари 340 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига 34 миллион сўм пул мукофотлари тарқатди. Фаоллар уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларида бўлиб, улардан хабар олишди.
Қашқадарь
Вилоятда истиқомат қилаётган 478 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бири касаба уюшма маблағлари ҳисобидан юз минг сўмдан моддий рағбатлантирилди.
Касаба уюшма фаоллари уруш фахрийлари ҳолидан хабар олиб, совғалар топширишди.
Жиззах
Вилоятда 211 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва уларга тенглаштирилган нурунийлар истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бирига касаба уюшмалари маблағидан моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоят КУТБ 39 нафар, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши 27 нафар фахрийни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади.
Уруш ва меҳнат фахрийларини шарафлаш, эл-юрт ташвиши билан яшаб ўтганлар хотирасини эъзозлашга бағишланган тадбирлар давом этмоқда.
Ўз мухбирларимиз

ҲАМКОРЛИК

Наманган муҳандислик-педагогика институтига Мустаҳкам оила йилига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Баркамол авлод камоли учун

Унда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, П. Маткаримов, Наманган муҳандислик-технология институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор О.Маткаримов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Уринбосари Р. Умаров маърузалари тингланди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Р. Дехқонованинг устоз-шогирд тизими, янги иш ўринларини яратиш, бандлик масалалари, қабул қилинган Бош келишув, ижтимоий шерикчилик асосидаги тамойиллар, оила ва никоҳ масалалари юзасида тахлил мулоҳазалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.
Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрафли жавоб олдилар.
Ақмалхон УМАРОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Мақсадли ва самарали фаолият

(Давоми. Боши 1-бетда).

Санаторий ва оромгоҳлар фаолиятини янада жонлантириш, таъмирлаш ва қайта қуриш билан бирга, туризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ички, халқаро ва тиббиёт йўналишларида туризмни йўлга қўйиш борасида изчил ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу эса бевосита меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериши баробарида, хорижлик сайёҳларни жалб этиш имконини ҳам яратядади.

Касаба уюшмалари тизимини модернизациялашда ҳам муайян ишлар қилинди. Жумладан, самарасиз фаолият юритаётган тармоқлар оптималлаштирилди, вакиллик институтлари бекор қилинди. Энг муҳими, малакали ва ёш кадрларни жалб этиш, ўқитиш ҳамда қайта тайёрлашга алоҳида аҳамият бериб келинаётир.

Шунингдек, давра суҳбатидида ташкилий ишлар, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юридик, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўливлари мудирлари ўз фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан афрофлича маълумот бердилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга касаба уюшма масъул ходимларидан етарли даражада жавоб олдидлар.


Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Иқром ҲАСАНОВ олган сурат

БУГУННИНГ ГАПИ

Амударё тумани 10 та овул ва битта шаҳарча фуқаролар йиғинидан таркиб топган.

Пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик қишлоқ аҳли учун асосий даромад манбаи ҳисобланади. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз тўқин-сочин. Мангит деҳқон бозори Қорақалпоғистондаги энг арзон бозорлардан саналади. Хоразмликлар ҳам шу ердан харид қилишни хуш кўришади.

Эрта эксанг, эрта ўрасан



«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига асосан туман дастурида ёш оилаларга ҳар томонлама қўлай шарт-шароитлар яратиш каби эзгу ишларни амалга ошириш мақсади учун 22 млрд. 169 млн. сўм, чорвачилик, паррандачилик, балякчилик, асаларчиликни ҳамда мева-сабзавотчиликни янада ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишларига жами 1 млрд. 451 млн. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Бунга жавобан, аввало қишлоқ хўжалик техникаларини соzлаш ишларига эътибор қўйилди. Мавжуд 17 та ММТП лардаги марказий таъмирлаш устаноналари техникаларини таъмирлаш бўйича қизгин меҳнат майдонида айланди. «Амударё МТП» ДАЖ, «Аграмаштранс» МЧЖ, «Амударёагротехсервис» МЧЖ, «Мангит ишлаб чиқариш тижорат маркази» МЧЖ ларнинг таъмирлаш устаноналари ҳамда ишлаб чиқариш ҳақида техникаларини таъмирлаш ишлари талаб даражасида олиб борилаятир. Шунинг билан бир қаторда қишлоқ хўжалик машиналарининг базис турларини тайёрлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш режадагидек амалга оширилди, қишлоқ хўжалик техникаларининг экин-тикин ишларига қатнашадиган қисми сифатли таъмирланди, шай қилинди. Таъмирлаш устаноналарида меҳнат қилган чилангарлар, темирчи усталар, токарлар, электр пайвандчилар ва механизаторларнинг унумли ишлашлари учун имкон қадар қўлай шарт-шароитлар яратиб берилди, иш жойининг ўзиде иссиқ овқат ташкил этилди.

Механизаторларимиз фермерларга хизмат кўрсатиш баробарида аҳолининг томоқларини экишга тайёрлашда ҳам кўмакларини аямаяптилар. Сабзавот, полиз маҳсулотларининг ўз вақтида экилишини таъминлаш мақсадида жойларга кўчат этиштириб берилди. Карам, помидор, бўлғор қалампирни каби кўплаб сабзавот кўчатлари, уруғликлар эса туманимизнинг миришкор деҳқонлари томонидан тайёрланди. «Тўқин» овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Фарҳод Курбонбоев, Олтамберган Мухторов, Худойр Матёкубов хонадониде этиштирилган кўчатлар баракали ҳосил бериши шубҳасиз.

Ҳар бир оилани қаролатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, аҳоли томоққа ерларидан унумли фойдаланиш савардорлигини ошириш юзасидан махсус ишлаб чиқилган дастур бугун юртдошларимизга қўл келмоқда. Ушбу дастур аҳолининг истеъмол талаблари, иқтисодий имкониятлари, томоққаларининг мелиоратив ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тузилди. Айтганча, бир гуруҳ юртдошларимиз билан Фарғона водийсида бўлиб, томоққадан фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил қилиш тажрибаларини ўрганиб кайтганди. Уларни қишлоқларда уюштирган давра суҳбатларимиз, семинар йиғилишларда тарғиб қилдик. Мулоқотларга туманимизнинг тажрибали деҳқонлари ҳам жалб этилди.

Кам таъминланган оилаларга ҳомийлар кўмагида кўчатлар ва уруғлар олиб берилди. Томоққаларни экишга тайёрлашда кўмаклашилди. Айни пайтда ҳар бир қишлоқда ёнилги ва минерал ўғитлар савдоси билан шуғулланувчи шохобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Олиб борган тарғибот-ташвиқот ишларимиз, бераётган амалий ёрдамларимиз тўғрисида 1993,3 гектар майдонда сабзавот маҳсулотлари этиштиришга киришилди. Шу билан бирга, аҳоли ихтиёридаги боғларга баҳорги ишлов бериш ҳам самарали олиб борилди.

Бугун амударёлик деҳқонларнинг қўли қўлига тегайди. Бир кун эрта эксанг, кирк кун эрта ўрасан, мақолига амал қилган ҳолда сабзавот ва полиз маҳсулотлари экиш қизгин суьратларда давом этмоқда.

Саъдулла СОДИКОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси
Амударё туман кенгаши раиси



Яна сенинг ҳақингда...

ақлий кураш, тафаккурлар ўртасидаги кураш майдони юзага келди, лекин ҳеч ким ёзишдан тўхтамади. Орли, орсизлар, виждонли, виждонсизлар ҳам, олижаноб-у пасткашлар ҳам ёзаверишди. Ажабланирлиси, ҳеч қайсиси сенинг ҳақингда «ёмон» деб ёзмади, ёзолмади. Сенинг бағрингга қайтганлар ҳам, бағрингдан қувилганлар ҳам мактайвердилар.

Хайратланирли, Сен қандайин бир кучсан, нимасан ўзи, нега Сени одамлар шунчалик эъзозлайдилар?! Уйлаб қолдим. Мана, мен ҳам Сенинг ҳақингда ёзаяман.

Қалбим бўзлайди, мен тинглайман. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши уларга, сўнг авлодларига энг улкан етишмовчиликни мерос қилиб берди. Бу вужуд учун «абсолют Ватан» камомадидир. Дарҳақиқат, улар том маънодаги ўз Ватанларидан жудо қилинган эдилар. Шу тариқа уларга ҳамиша нимадир етишмайдигандек туолаверди. Одам эса уни гоҳ англади, гоҳ англамади. Одамларнинг ер юзиде ўз Ватанига эга бўлишлари ва уни қайсидир маънода жаннатга айлантириш орзулари шу тариқа тугилган бўлса ҳеч ажаб эмас. Ватан илоҳийлиги эҳтимол шундандир.

Қалбимнинг деганларидан бир нарсани ўқиб олдим: Сенинг тупроғинг — менинг юрагим. Сен ҳақингда нимаики ўйласам, шунни ёзаяман...

Мақта давримда ёд олган бир шёр ёдимга тушади:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.
Чаппар уриб гуллаган боғин,
Улар эдим Ватан тупроғин.
Дарёлардан қуйлаб ўтардим,
Эрталарга қулқ тугардим.
Ҳаммасини тинглардим, аммо
Ўхшагини топмасдим асло...

Чиндан-да Ватан сўзи ажойиб услубда қўлланилган. Чунки мавжудликни бир сўз билан ва умуман бўзлар мажмуаси билан ифода қилиб бўлмайди, фақат туйғулар билангина ифода этиса бўлади. Менга қолса, Ватан сўзини «энг бебаҳо туйғу» сўзлари билан алмаштирган бўлардим. Ватан ҳақида Рауф Парфи шундай ёзади:

Бир сўз бор,
Беғубор тонг каби гўзал.
Тонг чоғи очилган гўнча каби
Гўнчада шабнам каби мусаффо...
Бир сўз бор
Ҳақиқат сўзидан ҳам юксак,
Ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак,
Бир сўз бор...

Дарҳақиқат, Навоий, Бобур... до-нишмандлиги, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов лирикаси, Ботир Зокиров, Муножот Йўлчиева оҳанглири, Фафур Фулом эҳтирослари, Му-хаммад Юсуф эркалик-лари ҳеч муболағасиз боғимиздаги ўрик гули-га ўхшайди. Ўткир Хоши-мов яратган Она сиймоси эса фа-қат бизнинг оналарга хос, фақат ва фақат бизнинг оналарга...

Сен бизни ўзганинг ютуғини тан олиш, унга ҳавас қилишга, ўз камчи-лигимизга иқрор бўлишга ўратгансан. Ҳикматлисан. Чунки ўзинг шундай-сан, ўтмишинг шундай, олижаноб, бу-юкликка хоссан.

Сен тубсиз ва шафқатсиз уммон кенгликлариде ўз мақсадида интилаётган, умумбашарият дасту-рхони учун ўз нозу неъматларингни олиб кетаётган улкан кемага ўхшай-сан. Унинг бағридаги одамларнинг мақсади ягона, интилишлари муш-тарак. Бу ҳақиқатни тушуномқ учун ҳам озмунча меҳнат сарф этилмади. Са-фариниң дастлабки даврида йўлбош-чинг «Бизга учинчи дунё деяр қараш-

ларни бас қилинлар!» дея Сени қал-қитиб бораётган тўлқинларга қарата наъра тортиди, «Мен эллик миллион халқни боқишга қурби етадиган бой мамлакатнинг бой фарзандиман», дея мағрурона, фахр ила хитоб қилди. Фарғона, Наманган воқеаларида бо-шқариб бўлмас оломон ичига дадил кириб борган ШАХС Сени парокан-далиқ, фуқаролик уруши уммонидан сугуриб олди.

Хуллас, Сенинг биз таний бошла-ган ақин ўтмишинг «садақа» сўраб юргувчи орсиз одамнинг ҳаётидек эмас, балки мана шундай мақтаниш-га арзигулик онлар билан бошлан-ди. Сени шу тариқа таниб, кеча ту-ғилган гўдак эмас эканлигингни бо-лалардек беғубор мақтанчоқлик бил-лан ҳис эта бошладим. Қалбимнинг кемтик жойини топганимни тушун-дим, уни яна жойига қўйганимни сез-дим. Буни энди яхши биламан. Аммо бир нарсани тушунолмаيمان, Сен қалбимга қачон кириб келгансан? Сенга бўлган муҳаббатим қачондан бошланган? Эҳтимол у неча минг йиллик тарихдан ва ёки остонадан бошлангандир. Илк бор остона ҳа-тлаб чиққанимда, қуринган тупроқни кўчандандир. Онамнинг алласидан, копток ўйини ўйнаб юрган кенглик-лардандир. Далалардан қуринган илк майсалардан, баҳорнинг ёқимли ёмғирларидандир. Билмадим. Аммо бир нарсани аниқ биламан: Сени ўзгалардан қизганаман. Сенга ва бойликларингга тамашниб юрган но-касларнинг ўткир нигоҳларига кўксимни тўсгим келади. Сенинг Озодлигингни абадиёт китобига ёзгим келади...

Улуғбек ДЕХҚОНОВ,
техника фанлари номзоди,
ВИНСТРОМ Инжинер
тадқиқотчиси
Москва шаҳри

Сен ҳақингда кўп ёзишган: «Ва-тан хоини» дея пешонасига та-мга босилганлардан тортиб, Қаҳрамон унвонини олганларгача. Ях-шилар ҳам, ёмонлар ҳам ёзишган. Қўлидан ёзиш келган ва келмаганлар ҳам ёзишган. Ўзини умумбашар фар-зандиман, деб ҳисоблаганлар ҳам ўша «тоғ чўққисига» кўтарилишларидан ав-вал Сен тикиб берган чоригни оёғига илиб олганлар. Сен ўргатган эътиқод-дан арқон ясаганлар.

Хуллас, Сен ҳақингда куйганидан ҳам, шодлигидан ҳам ёзаверганлар. Сени қизганиб ёзишган, қизганидан-да дўстини ҳам аямаган, дushman деб бил-ганларини эса ўлдирган, ўзларини-де эҳтиёт қилиб ўтирмаган — қурбон қил-ган. Ақлнинг, тараққиётнинг бугунги даврида ҳам Сенинг ҳақингдаги фикр-лар уюми ўзгармади, мантик ўзгарма-ди, истиқболнинг учун ҳисмоний кура-шиш кўринишларидан кўра, кўпроқ

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида Мухиддинжон Қорабоев Витебск вилоятининг Лепес шаҳри-да отлик аскарлар полкати ҳарбий хизматни ўтарди. 1939 йилда хизматга қақрилган йигит 1941 йилда она юртига қайтиш умидида эди. Афсуски, беш йил жанг қилиш-га тўғри келди...



Собиқ пулемётчи

Берлинда катта канал бўйидаги қаттиқ жангга оғир ярадор бўлди. Перм шаҳри, сўнг Саликамск шаҳридаги госпиталда да-волачди. 1945 йилнинг 15 сентябридагина уйига қайтди.


Марғилонда севган касби ҳисобчилиқни да-вом эттирди. 1972 йил-дан 1991 йилгача «Мат-буот тарқатуви» акция-дорлик компанияси Фар-ғона вилоят шўба кор-хонасида инструктор, катта инструктор вази-фаларида ишлади.

Турмуш ўртоғи Ҳали-маҳон билан 7 фарзанд — 6 ўғил, бир қизни во-яга етказди. Катта ўғли Адхамжон қариллик нафа-қасида. Акрамжон шаҳар коммунал фойдаланиш ва таъмирлаш бошқар-масида бош муҳандис. Аҳаджон табдиқор-хунарманд. Аҳмаджон ав-томобил таъмирлаш ус-таси. Муҳаммаджон ўқитувчи, Ўткирбек электр пайвандчи. Му-қаддасжон эса ўй бекаси. Отаҳоннинг 29 неваре, 27 чевараси бор.

— Истиқлол шарофати билан юртимиз тинч, осойишта, осмонимиз мусаффо. Шаҳарлари-миз, қишлоқларимиз ой сайин, кун сайин обод бўлаётганини кўриб қувона-ман, — дейди у. — Илоҳим, Ватанимизга кўз тегмасин. Биз кўрган қийинчиликни болалари-миз кўрмасин.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Эҳтиром



Ўзбекистон темир йўлларига қарашли «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамиятининг йўловчи поездларни рейсга техник ва технологик тайёрлаш филиали — ВЧД-2 корхонасида Хотира ва қадрлаш кўни кўп йиллардан буён катта тантана билан нишонланади.

Бу ерда ишлаб кетган ва нафақада кексалик гаштини сураётган отахону онахон-ларни «дийдорлашув дасту-рхони» атрофига жамлаш аянавай дийдорлашув уч-рашувини ташкил этганимиз-га 21 йил бўлибди. Дийдор-лашув дастурхонига 800 дан зиёд отахон ва онахонлари-миз келишди.

Урашувга Тошкент ша-ҳрининг турли худудларидан келган кекса отахону она-хонлар — меҳнат фахрийла-ри, корхонада ишлаб ноғи-ронликка чиққанлар, уруш

пресс маркази ҳам қўшилган. Чунки бу ерда ишлаб кетган-лар олдин битта жамоада ишлаган. Бу йил корхона-мизда собиқ ҳамкасбларнинг аянавай дийдорлашув уч-рашувини ташкил этганимиз-га 21 йил бўлибди. Дийдор-лашув дастурхонига 800 дан зиёд отахон ва онахонлари-миз келишди.

Урашувга Тошкент ша-ҳрининг турли худудларидан келган кекса отахону она-хонлар — меҳнат фахрийла-ри, корхонада ишлаб ноғи-ронликка чиққанлар, уруш

катнашчилари, байналмилал жангчилар ўз ҳамкасблари билан юзларида табассум ички бир ҳаяжонда қучоқла-шиб қўришишар экан, кўпларнинг кўзларида се-винч ёшлари ялтиради. Кор-хона бошлиғи Абдумалик Аб-дурахимов ва касаба уюшма фаоллари меҳмонларни қиз-гини қутлашди. Фахрийлар бир пиёла чай устиде ўзе-бконе палов тамадди қилиб, ширин суҳбатлашди.

1946-1972 йилларда ишлаб кетган 1-гуруҳ ноғирони, уруш қатнашчиси, шу кун-

ларда ўзининг 106 ёшини қаршилаётган Абзал ота Ко-милиовнинг қатнашгани дав-рага ўзгача фойз бағишла-ди.

Абзал ота дуога қўл очар-кан, бу дийдорлашув дасту-рхониде юз кўришиб ўти-ришимиз, юртимиз тинчли-ги, фаровонлиғи, аввало Мустақиллигимиз шарофати экани, бу кунларнинг қадри-га етиш кераклиғи, бу йўлда ҳамиша жипслашиб бир ёқадан бош чиқариш лозим-лигини айтиб, темирйўлчи-ларга эзгу тилақлар тилади.

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан корхона томонидан уруш қатнашчи-лари ва ноғирон кексаларга 246 минг сўмдан, меҳнат фахрийларига 123 минг сўмдан моддий ёрдам бе-рилди.

Ушбу табдиқ ёшлар қал-биде кексаларга хурмат ва эътибор ҳамда меҳру муҳаб-бат туйғусини уйғотгани шубҳасиз. Урашув аяна-ясига кўра, келгуси йили Хо-тира ва қадрлаш кўни байра-мини ўтказиш 4 майга бел-гиланди. Демак, бу ибратли аяна давом этади!

Адхам ДАМИНОВ,
Темир МАМАДАМИНОВ
олган суратлар

Ўтган асрнинг етмишинчи йилла-рида Қарши чўлини ўзлаштириш мақсадида оммавий кўчиб келиш бошланди. Қарши тумани собиқ «Аврора» кўрғони, Ҳозирги Наврўз маҳал-ласи ҳам шундай янги кўчиб келган ишчилар-га маскан бўлди. Турли миллат вакиллари бошини қовуштириш, юзага келган муаммо-ларни баҳамжihat ҳал этиш учун элга қайвони керак эди...

Бу ҳақда ушбу маҳалла-да яшовчи Эр-ғаш бобо Расу-лов шундай хикоя қилади: — 1977 йил-нинг ноябр ойида «Аврора» кўрғони-га қўчирилган бўлишимизни кўриб, эртасига эл олди-да барча масъулиятни ўзига олди. Бош-қош бўлиб, одамларни бирдамликка ча-қирди. Маҳалла ташкил этди. Кўчиб-чўқиб, идиш-товок, стол-стул сотиб олдинди. Худудда ташландиқ жой бор эди. Шу ерни тозалатиб, маҳалла тазари кўрдирди. Атро-фини боғу роғ қилди.

Элчилик, тўй бор, таъзия бор. Қўпмил-латли аҳоли бир-бирини танийдиган, яхши-ёмон куниде елкадош бўлди. Улар Сирожжон аканинг одамлигини ҳурмат

Кайвонисин

Бу ҳақда ушбу маҳалла-да яшовчи Эр-ғаш бобо Расу-лов шундай хикоя қилади: — 1977 йил-нинг ноябр ойида «Аврора» кўрғони-га қўчирилган бўлишимизни кўриб, эртасига эл олди-да барча масъулиятни ўзига олди. Бош-қош бўлиб, одамларни бирдамликка ча-қирди. Маҳалла ташкил этди. Кўчиб-чўқиб, идиш-товок, стол-стул сотиб олдинди. Худудда ташландиқ жой бор эди. Шу ерни тозалатиб, маҳалла тазари кўрдирди. Атро-фини боғу роғ қилди.

Элчилик, тўй бор, таъзия бор. Қўпмил-латли аҳоли бир-бирини танийдиган, яхши-ёмон куниде елкадош бўлди. Улар Сирожжон аканинг одамлигини ҳурмат

қилишарди. Бирор киши у бормасдан тўйини ҳам бошламасди, қозондаги ошини ҳам сўздирмасди.

Биласиз, шўролар даврида йилбоши, яъни Наврўз байрамини нишонлаш тақу-лаб қўйилганди. Бироқ Сирожжон ака ҳар йили қадимий байрамимизни эл учун таш-кил қилиб беради. «Табиятнинг уйғонши онлари, тун ва куннинг тенглашиш байра-ми, албатта, нишонланши керак», дерди у. Катта қозон остириб, ўз ҳисобидан су-малак, ҳалим, гўжа пиширтирарди ва элга тарқатарди. Санъаткорлар кўчиб қуйлаб, халқ хурсандчилиқ қиларди. Турли мусо-бақалар ўтарди.

У кишининг қўли очиклиғига яна бир мисол. Далага яқин бўлгани учун уйига бо-риб, тушлиқ қилиб келарди. Ҳар кун туш-ликдан қайтар маҳали битта нонни белбо-ғига тугар ва унга боғдаги мева-чевалар-дан кўчиб, маҳалламиздаги боқувчисини йўқотган оила болаларига беради...

Узи айтганидек, кейинчалик табелчи ва бригадир бўлиб ишлаб, кишиларга жуда кўп ёрдам қўрсатди. Унинг энг яхши хи-слати — инсонпарварлик эди. Бригадир ва маҳалла оқсоқоли бўлган вақтида маҳал-

та бўлса-да, биз дўст эдик. У ҳақиқий меҳ-натсевар, одамоҳун, дўстларининг қадрига етадиган, самийий инсон эди. 13-15 ёшларимизда далада от билан бўғдой янч-ганми. Ахир у пайтлар комбайн бўлмаган-ди. Арпа ва бўғдой ўриб олинган далада бoшoқ терардик. Бир воқеани жуда кўп эслаيمان.

Биз бир гуруҳ болалар кўшини «Қахлак» собиқогдан қайтаётгандик. Уша пайтлар собиқ Энгельс номли совхоз раҳбари Ра-сул Рўзиёев ва бир-икки фаоллар йўлимиз-дан чиқиб қолди. Биз йиққанларимизни топшириб, эшакнинг эгари устига озгина бошоқни қолдиргандик. Ахир, очарчилик йиллари эди-да. Раис барча галлалари-мизни олиб қўйди ва болаларни хивич би-лан савалай кетди. Шунда Сирожжон: — Ҳой, раис бува, неғу урасиз? Хали кўрасиз, мен ҳам раис бўлсам, сизде жо-қил бўлмайман. Аксинча, одамларга ёрдам бераман, — деганди.

Узи айтганидек, кейинчалик табелчи ва бригадир бўлиб ишлаб, кишиларга жуда кўп ёрдам қўрсатди. Унинг энг яхши хи-слати — инсонпарварлик эди. Бригадир ва маҳалла оқсоқоли бўлган вақтида маҳал-



Президентимизнинг шу йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ижросидан келиб чиқиб, Юнусобод туманидаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини рағбатлантириш ва тақдирлаш мақсадида «Биз Сизни унутмаймиз!» шiori остида байрам дастурхони ёзилди. Юнусобод туман ҳокимлиги, Маънавият тарбиёт маркази Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, туман «Маҳалла» жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир санъаткорларнинг дилтортар наволарига уланиб кетди. «Дўстлик» маданият уйининг ҳажжи рақосалари ижросидаги рақслар байрамга янада хушқайфият бағишлади.

Уз мухбиримиз, Козим УЛМАСОВ олган сурат

Уч авлод учрашуви

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Ўзметкомбинат» ОАЖ касабга уюшма кўмитаси томонидан уч авлод учрашуви ташкил этилди.

Комбинатнинг Металлургия маданият саройида ташкил этилган мазкур тадбирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, илғор ишчи ва ёш мутахассислар тақлиф этилди.

Комбинат бош директорининг ўринбосари Ш.Ҳолиқбедрдиев, касабакўм И.Қурбонов ва бошқалар меҳмонларни байрам билан табриклади.

Учрашувда уруш ва меҳнат фахрийлари тўғрисида филм ва маданият саройининг бадий жамоалари томонидан муסיқий дастур намойиш этилди. Барча меҳмонлар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулбахор АБДУЛЛАЕВА, «Ўзметкомбинат» ОАЖ касабга уюшма кўмитаси маънавият ишлари йўриқчиси

Акция доирасида

Уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан «Хотира — абадий, жасорат — мангу» акцияси доирасида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларни моддий рағбатлантириш тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда Тўртқул туманидан 18, Тахтақўл туманидан 7 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронлар уйларига бориб хабар олинди ва моддий ёрдам тариқасида уларнинг ҳар бирига 100 минг сўмдан пул берилди.

Уз мухбиримиз

Ибратли умр

Когонда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва халқ таълими тизимининг фидойилари ҳақида гап кетгудек бўлса, албатта Ашур ота Исомовнинг номи ҳурмат билан тилга олинади. Эл ҳурматини қозongan, фидойилик, одамхонлик мактабини яратган инсон Ашур ота ҳаёт бўлганида, 91 ёшга қаршилаган бўларди.



Машҳур уруш сабаб Ашур Исомов ҳам қўлига кўрол олди. Жанг майдонларида минамётчи сифатида алоҳида жасорат кўрсатди. Юзма-юз тўқнашувларнинг бирида қаттиқ жароҳатланди. Госпиталларда узоқ даволаниш ҳам унинг жанговарлик қобилиятини тиклай олмагач, 1944 йилнинг март ойида қишлоғига қайтди. Яна даволанди.

Саломатлиги тиклангач, ўқитувчилик қилди. Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-география факультетини сирдан ўқиб битирди. Касбига ҳамisha садоқат билан ёндашган муаллим жамоада ҳурмат-эътибор топди. Узоқ муддат мактаб илмий бўлими мудири, кейин 20 йил давомида директорлик вазифасида ишлади. У раҳбарлик қилган даврда мактаб нафақат туманда, балки вилоятдаги энг намунали илм даргоҳларидан бирига айланди.

— Жамиятда ўз ўрнини топишда устоз Ашур Исомовнинг хизмати бекиёс, — дейди Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти профессори Р.Абдурахмонов. — Устознинг маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, шахсий ибрати мен учун алоҳида мактабдир.

Бундай самимий сўзларни устознинг юзлаб, минглаб шогирдларидан эшитиш мумкин. Эл ардоғида бўлган Ашур Исомов шахсий ҳаётда ҳам кўпчилик учун намуна эди. У салкам 60 йил давомида турмуш ўртоғи Муборақ Исомова билан уч қиз ва икки ўғилни тарбиялаб воёга етказди. Истат ва Адолат ота изидан бориб, муаллимлик касбини танлади. Саломат малакали олий тоифали шифокор. Амин курувчи-муҳандис. Амон эса муҳандис-механик. Ҳаммаси олий маълумотли, эл қорига камарбаста фарзандлар.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Бир пайтлар ҳаётни қўл етмас рўёдек ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдим. Инсон ёшнинг яшаб бўлгач, қачондир вафот этишини билардим холос. Бирок ўша қачондир ҳали-вери содир бўлишини ўйлаб ҳам кўрмасдим. Айниқса, онам мен учун гўё тириклик тимсоли эди. Гарчи, жону жаҳоним 87 ёшда бўлсалар ҳам назаримда ўлим онамлар учун бегонадек туолаверардим. Баъзан онам ўлими ҳақида гапириб қолса, эшитишни хушламасдим, бу менга эриш туоларди. Онаمنى йўқотгач, улимнинг ҳақлиги ва унинг қайғули ҳодиса эканлигига иқдор бўлдим. 21 ёшли навқирон жиянимни йўқотиш эса қалбимни чилларин қилди. Бу йўқотиш мени сергаклантирди. Демак, доғда қолмаслик учун сергак бўлиб яшашимиз керак. Эҳтимом, сиз бугун хайр-хушлик ила кузатаётган инсонингиз билан хайрлашиш онлари сўнгги видолашув бўлиши мумкин...

Бу дунёда англаганларим...

Биз тириклар одатда ўлимни энг қайғули ҳодиса деб биламиз. Ҳадиси шарифда «Улимдан кўркманг, уни орзу ҳам қилманг» дейилган. Демак, сўнгги нафасимизгача ношуқурлик қилмасдан яшашга буюрилганмиз. Баъзан ҳаёт кўзимизга қоронғу туолиб, тушқун кайфият исканжасида қолиб кетамиз. Бу кайфиятдан чиқиб кетсак ва шунга ўзимизда куч топа оласак, марга бизники. Ҳатто ич-ичимиздан «тирикликка не етсин», деб ҳам кўямиз.

Бир вақтлар ёзган қайсибир шеъримда қуйидаги мисралар бор эди:

Улимда шафқат бор, унинг изларида соғинч-изтироб. Унинг изларида ўкинч ва ўтинч, Унинг изларида сўнгсиз пушаймон.

То абад қўлиб кетади. Очилмаган кўзларни очиб, ёрилмаган тошларни ёриб кетади.

Ҳаётни англашда давом этар эканман, шундай тўхтамаг келаман: инсон ҳамма нарсага тийёр туриши керак. Албатта, бу ҳар кимнинг дунёлардан мардонавор ўтиш учун эса

тига боғлиқ. Аввало, англаб яшайлик. Имомни, инсофни, одамгарчиликни унутмасдан яшаб қолиш керакдир балки. Бу фазилатлар етишмаса, унга интилиб яшаш шарт.

Нима бўлганда ҳам икки манзил, икки макон, иккита дунё оралиғида яшайлик. Бежизга умрга «Бу беш кўнлик дунё, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади», дея таъриф берилмаган.

Улим, бу нафақат йўқотиш, нафақат қайғу, нафақат сўнгги видолашув, балки рост туйғуларни рўёбга чиқарувчи ҳодиса ҳамдир. Йўқотган инсонингизни соғиналмасиз, армон қиласизми, қалбнингизда катта хувиллаган бўшлиқни ҳис қилаялсизми, демак, сиз уни севгансиз, демак, у сизнинг ҳаётингизда муҳим ўрин эгалла-

ган... лоақал сизда ўзидан ибодий хотирлар қолдириб кетган. Илоҳи борица сергак бўлайлик. Еруғликка интилайлик, саховатга шошайлик. Бизни кутганларни интиқ қилмайлик, бизни истамаганларни безор қилмайлик. Бизга муҳтожларга марҳаматли бўлайлик, биздан безорларга озор бермайлик, жила курса, ёмонлик қилмасдан, масофа сақлаб яшайлик.

Инсон зотининг энг буюк жасорати, мардонаворлиги ҳам мана шундир, эҳтимом. Зиммамиздаги масъулият ҳамisha залворли. Касб-кор, бола-чақа, оила ташвиши ўз йўлига. Бундан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Онгимиз ва шууримизга боғлиқ ва ҳар дақиқада унутиб қўйишимиз асло мумкин бўлмаган шундай масъулият ҳам борки, бу ҳаётни англаб яшаш масъулиятдир.

Англаш... Иқдор бўлиш...Тавба қилиш... Эришиш...

Ана шу юксак саодатга эришиб яшаш бахти барчамизга насиб қилишини астойдил истардим.

Сайёра ШОДИЕВА, «Ishonch» мухбири

Унутмагай эл

ла ахлининг тўй ва маъракаларини ўзи бош бўлиб ўтказиб берган. Кимдир оламдан ўтса, биринчилардан бўлиб бориб, муҳимини яқинларидан ҳола-аҳвол сўраб, ўша хонадоннинг кам-кўстини ҳал қилиб, жаноза ва маъракаларнинг вақтида ўтишига кўмаклашарди. Бошига мусибат тушган хонадон аҳлига чин маънода ҳамдард бўларди.

Узоқ вақт маҳаллакўм бўлиб ишларди. Маҳалла гузари ташкил этиб, миллий қадриятимиз бўлмиш Наврўз сайилларини бир неча бор ўтказиб берди. Ёшлар ўртасида кураш бөллашувлари уюштириб, катта-катта зотлар кўярди. Йилбошининг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига етказиш учун турли олим ва профессорларни тадбирга тақлиф этарди. Умуман олганда, Сирожхоннинг олижаноблиги, хушфелъ ва ташкилотчилиги қишлоқ ахлининг ҳеч қачон ёдидан чиқмайди.

Даврон бобо Тангрибердиев, 73 ёшда: — Юртбошимиз бежизга маҳалларга катта эътибор қаратмаётти. Чун-

ки маҳалла — тарбия ўчоғи, меҳроқибат бешиги.

Сирожхон Раҳматов тўйларда исрофгарчиликка йўл қўймади. Ҳар биримизнинг тўйимизни тинч, осойишта, файзли қилиб ўтказиб берарди. Урфодат ва қадриятларимизни эъзозларди. Наврўз сайилларини айтмайсизми? Вақти чегараланган бўлса-да, шунча ишга қандай улгурарди, ҳалигача шу ҳислатига қойил қоламан. Қолаверса, у киши бениҳоя саҳий эдилар. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга полиз ва деҳқончилик ҳамда боғдорчилик маҳсулотларини тарқатарди. Пул берсак, олмасди... Сирожхоннинг савий-ҳаракати билан қип-қизил чўл гузал бўстонга айланди. Рафикаси Анаора ая билан ўн нафар фарзандни тарбиялаб воёга етказди. Болаларининг ҳаммасини меҳнатсевар, хунарли қилиб ўстирди.

— 1978 йилда шу маҳаллага кўчиб келганман, — дея сўхбатга қўшилди 80 ёшли отахон Йўлдош Эшпўлатов. — Маҳалладошларим орасида ўшим каттароқ бўлгани учун Сирожхон мени

маъракаларнинг бошида туришга жалб этди. Унинг ажойиб хислати шу эдики, кимга қандай муомалада бўлишни биларди. Масалан, менинг табиятим бироз тез. Шунинг учун нимаики бўлмасин, мулоимлик ва ётиги билан тушунтирарди. Афсус, эрта, 53 ёшда оламдан ўтди. Меҳрини, илиқ гап-сўзларини хали-хануза кўймаймиз. Фарзандларимнинг тўйларини бош-қош бўлиб ўтказиб берган.

Болалигим уруш йилларида тўғри келиб, мактаб кўрмадим. Аммо хунарим орқасидан оила боқдим. Сирожхон ҳам ҳар бир фарзандини касбга, хунарга ўргатди. Ўғли Шарофхон — касабакўм, минглаб ходимларнинг дарди билан яшайди. Зиёвуддиннинг боғбонликдан хабари бор, айни пайтда «Зиёвуддин Раҳматов» фермер хўжалигини бошқаряпти. Ҳабибулла — ҳайдовчи. Баҳодир ўқитувчи бўлса, Бахтиёр ва Ривожхон дурадгор... Ҳали бирровдан Сирожхоннинг фарзандлари ҳақида ёмон гап эшитмадим.

— Кимдир бемор ёки аздорлиги боис, тўйларга келолмас, эшон бобо

уларнинг ҳолидан хабар олишни эздан чиқармасди, — дея хотирлайди Тўракул бобо Холиқов. — Ким қандай ёрдам сўраса, йўқ демасди. Унинг оламдан ўтиши маҳалла ахли учун катта йўқотиш бўлди. Ахир эл кайвониси эди-да. Бирок эл учун қилинган меҳнатлар беиз кетмади. Аҳоли талаби ва илтимоси ҳамда Қарши туман ҳокимлигининг қарори билан маҳалла гузаридидаги кўчаларга Сирожхон Раҳматов номи берилди.

— Дадам қаттиққўл эди, — дея сўхбатга қўшилди отахоннинг фермер ўғли Зиёвуддин. — Ҳар бир нарсага меҳнат орқали эришиш мумкинлигини тез-тез тақдорларди. 21 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этганмиш. Боғ юмушлари, оралиқ экин сифатида пахта етиштириш ва пилла боқиш ишларининг барчасини оилавий бажарамиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, фаровон ҳаётни қуриб, эл кайвониси Сирожхон Раҳматовнинг руҳи шод бўлаётган бўлса не ажаб, Чунки у бутун умрини халққа бахшида этди, юрт равнақи, инсонлар бахти учун қайғурди. Кайвони отахоннинг эзгу амаллари бугун фарзандлари, неварачевараларига мерос қолди.

Акмал АБДИЕВ «Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига тақлиф этади!

Такроран қўйилмоқда
Аукцион савдосига, Денов туман суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Кўмқўрғон туман судининг 15.10.2011 йилдаги 1-228-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган фуқаро Н.Қўббова тегишли, Денов туман Божхона пости ҳовлисида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

1.ВАЗ 2108 русумли, д/р бўлмаган, 1987 й и/ч таъмирталаб автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 645 000 сўм.

Аукцион савдосига, Денов туман суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Денов туман судининг 20.04.2011 йилдаги 1-122-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган фуқаро К.Мусурмоновга тегишли, Денов туман ИИБ ИХХБ жарима майдончасида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

1.Тико русумли, д/р 19 К 5976, 1998 й и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 831 001 сўм.

Аукцион савдосига, Шўрчи туман суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Шўрчи туман судининг 18.08.2011 йилдаги 1-168-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган фуқаро У.Бердиевга тегишли, Олтинсой туман «Сарак» ш/ҳда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

1.ВАЗ 2103 русумли, д/р 19 Г 92-65, 1982 й и/ч таъмирталаб автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 893 229 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 25 май куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 25 май куни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 11 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддат: 2012 йил 23 май ва 8 июн куни соат 18:00.

Аукцион савдосига, Термиз шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 02.11.2011 йилдаги 19/1106/15778-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган Термиз шаҳридаги Фаровон кредит уюшмасига тегишли, Музработ туман Гагарин кўрғонидан Ш.Жумавевнинг жавобгарлигида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

1.Ласетти русумли, д/р 75/ 712 ААА бўлган, 2009 й и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 915 535 сўм.

Аукцион савдосига Термиз шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан, ЖИБ Кизирик туман судининг 2011 йил 14 февралдаги 5-54-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган фуқаро К.Камиллова тегишли, Кизирик туман Қорасул маҳалласида сақланаётган куйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

1.АРО 244 русумли, д/р Транзит А08-47 МР, 1992 й и/ч таъмирталаб автотранспорт. Бошланғич баҳоси — 1 893 100 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 11 июн куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддат: 2012 йил 8 июн куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат қилишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ нинг ОАТБ «Микрокредитбанк» Термиз шаҳар амалиёт бўлимидаги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р 20208000504941294001, МФО 01326, ИИН 302125729.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй «Тадбиркорлар маркази» Тел: 227-57-94.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2012 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Пискент тумани Ҳокимлигининг 06.09.2011 йилдаги 96-Ф-сонли фармойишига асосан, Пискент тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекциясига тегишли Пискент туман ҳокимлиги гаражида сақланаётган «LADA 21074-110-30» русумли, д/р 10-624 ААА бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 867 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 7 июн куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 5 июн куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 7 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 14 ва 21 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2012 йил 14 июндаги такрорий савдолар учун 2012 йил 12 июн куни соат 18:00; 21 июндаги савдолар учун 19 июн куни соат 18:00.

Савдо фолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат қилишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипақ йўли банки» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел: 228-79-52.

Тузатиш:

Фаргона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан «Ishonch» газетасининг 3 май 2012 йил 54-55 сонларида берилган танлов савдоси эълонидаги куйидаги объектларнинг номи:

ЛОТ-1

1-4. Фаргона вилояти Бувайда тумани Хўжа қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлаш,

1-4. Фаргона вилояти Бағдод тумани Хўжа қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлаш деб,

ЛОТ-3

3-1. Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Сойбўйи қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлаш,

3-1. Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Сойбўйи 1 қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлаш деб,

ЛОТ-4

4-2. Фаргона вилояти Учкўприк тумани Бувайда ҚФЙ Эшимбек қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлаш,

4-2. Фаргона вилояти Учкўприк тумани Бекмурод ҚФЙ Эшимбек қишлоғини тоза ичимлик суви билан таъминлаш деб тузатиб ўқулсин.

Фаргона вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси ҳамда тармоқ касабга уюшмаси вилоят кенгашлири жамоаси Бирлашма кенгашининг ишлар бошқарувчиси Акрамжон Азизовга онаси Санобархон аянинг

вафоти муносабати билан қўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Агротасот мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касабга уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши жамоаси кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири

Бахтиёр ФИЁСОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига қўқур таъзия билдиради.

МИНИ ФУТБОЛ

2-5 май кунлари Соғлиқни сақлаш ходимлари касабасига уюшмаси Марказий кенгаши, вазирлик ҳамда касабасига уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда соҳа ходимлари ўртасида Хотир ва қадрлаш кунига бағишланган мини футбол бўйича II Республика турнири ташкил этилди. Бўстонлик туманидаги сулим Чимён бағрида жойлашган «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 3 кун мобайнида ҳар бир иштирокчи галаба учун тўп сурди.



«Қуёшли»да

ёмғирли кунлар

— Турнир саралаш босқичларида ғолиб жамоалар учун ўзини хос имтиҳон эди, — деди биз билан сўхбатда Соғлиқни сақлаш ходимлари Марказий кенгашининг маърифий ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Лола Холмўминова. — Биз ҳам ўз навбатида 135 нафар тиббиёт ходимларининг мириқиб дам олишлари учун етарли шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилдик.

бида ютқаздик. Лекин, қорақалпоғистонликлар устидан 3:0 ҳисобида галабага эришдик. Кейинги ўйин жамоамиз тақдирини ҳал қилиши лозим. Ҳисоб қандай бўлишидан қатъи назар, олам-олам таассурот олдик. Ҳамкасбаларимиз билан дилдан сўхбат қилиб, турли маданий тадбирларда иштирок этиб, мириқдик.

— дейди Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси жонлангириш бўлими ҳақими, фарғоналиклар жамоаси сардори Ҳасан Солижонов. — Бу ерда навоийликлар, андижонликлар, бухороликлар устидан 3:2 ҳисобида ғолиб бўлдик. — Кези келганда, бир гап. Бу йил мамлакатимизда илк футбол жамоасининг ташкил топганига юз йил бўлди. Ушбу жамоа Қўқон шаҳрида тўп сурган. Шу сабабли ўйинчиларимизнинг галабага бўлган ишончи катта.

Баҳор барибир баҳорда. Мусобақаларнинг иккинчи кунинида бошланган ёмғир баҳсларни янада кескинлаштириб юборди.

Мусобақа ярим финалида Бухоро, Фарғона, Сурхондарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳар жамоаси иштирок этди. Фарғона вилояти жамоаси бухороликлар устидан галаба қозониб, финалга йўлланма олган бўлса, сурхондарёликлар Тошкент шаҳри жамоасига ўйинни бой берди.

Шундай ҳам бўлди. Турнирнинг финал босқичи ғолиби финалтурнир серияси орқали аниқланди. Унда фарғоналиклар дарвозабони Маъмуржон Турғуналиев рақибларнинг тўрт зарбасини қайтариб, жамоаси галабасини таъминлади.



Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган жамоалар ҳамда «Энг ёш иштирокчи», «Энг чиройли гол» номинаторларига муносиб деб топилган ўйинчиларга Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Махмадалиев қимматбахо совға ва кубокларни топширди.

Улғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири, Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Бўстонликда «Ош фестивали»

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш Агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касабасига уюшмаси Марказий кенгаши Бўстонлик туманида «Соғлом оила — жамият таянчи» республика мусобақаси ҳамда «Ош фестивали»нинг Тошкент шаҳар босқичини ўтказди. Мусобақа ва фестивал иштирокчилари 5 май кунини Тошкент ахборот-технологиялари университетидаги дам олиш масканинида тантанали равишда қутиб олинди.

ситети вакили Ш. Тоҳирий, 3-ўринни махсус авария-тиклаш бошқармаси вакили Баҳодир Раҳимовлар оиласи қўлга киритди.



— Соғлом оила — мустаҳкам оила эканлигига шубҳа йўқ, — дейди Марказий кенгашнинг маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Суннат Абдуғаниев. — Анъанавий тарзда ўтказиб келаётган спорт мусобақаларимиз айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Бугунги баҳсларда соҳа ходимларининг 28 та оиласи, шунингдек, 19 та корхонанинг 38 нафар вакиллари қатнашди. Бу гал мусобақа доирасида миллий таомимиз бўйича танлов — «Ош фестивали» ҳам ташкил этилди. Барча корхона гуруҳлари ўзлари маъқул қўрган услубда ош тайёрлашди. Ошпазларга ҳақамлар ҳамда иштирокчилар баҳо беришди.

Мусобақаларнинг иккинчи кунинида тонг сарҳаддан ошпазлар ош ҳаракатини бошлаб юборишди. Қўй ёғи, гўшти майдаланиб, сабзилар ўз ишининг усталари қўлида ипак толаридек тўғрала бошланди. Ошпазларнинг ёрдамчилари эса ўчоққа ўтин тайёрлаш билан овора. Соат 8:00да машҳур телебошловчи Соат Шарипов хуштак чалиб, «Ош фестивали»га старт берди. Ошпазлар қизиқ турган қозонларга ёғ солишлари билан атрофни иштанани қўтиқловчи жаззанинг хиди тугиб кетди.

Тадбирнинг биринчи кун дастуридан оилалар ўртасида югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, «Чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси, «Моҳир ҳужумчи», «Тезлик эстафетаси» сингари мусобақалар жой олди. Қизикarli кечган баҳслар, айниқса, жажжи болажонларга катта қувонч бағишлади.

Чойхонапалов тайёрлаямиз, — дейди махсус авария-тиклаш бошқармаси ходими Абдуманноп Ўзбекилов. — Кеча дам олиш маскани атрофидаги тоқдордан тоқ барглари териб келдик. Туни билан каварток тугиб чиққанми. Уйлайманки, ошимиз барчага маъқул бўлади.

— Маза қилиб ўйнаямиз. Бу ерда болалар учун майдонча ҳам бор экан. Ям-яшил боғлар орасидаги тулки, бўри, тошбақа ва бошқа ҳайвонларнинг ҳайкаллари менга жуда ёқди, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ходими Ботир Умаровнинг жажжи ўғли Бехрузбек. — Бу гал югуришда марарага биринчи бўлиб кела оладим. Аммо бир кунмас бир кун албатта ғолиб бўламан. Бунинг учун дадам билан бирга эрталаблари бадантарбия қилишим керак.

Ийғирмата қозонда ош тайёрланаётган айвонда гўё ҳаёт қайнайди. Биз бедана тухуми солиб, ош дамланаётган қозон олдида келдик.

Оилавий мусобақалар икки йўналишда кечди. Ўғил фарзандли оилалар ўртасида биринчи ўринни махсус авария-тиклаш бошқармаси ходими Ш. Нуриддиновлар оиласи, 2-ўринни Тошкент шаҳар телефон тармоқлари корхонаси вакили С. Бадалбоевлар оиласи, 3-ўринни Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази вакили М. Юсуповлар оиласи қўлга киритди.

— Электромагнит мослашуви маркази жамоасидан Иброҳим Исроилов бўламан, — дейди ошпаз. — Марказимизда илгари Абдумалик ака деган ҳайдовчи ишлаганлар. Доммо турли тадбирларимизда ош дамлашни шу кишига топширдик. Қўлим ошпаз. У киши нафақага чиқиб, маъсулиятли вазифа менинг зиммамда қолди. Бедана тухумининг одам организмига фойдаси катта. Турли шамоллашларни бартараф қилади. Қувват беради. Ошга ўзини хос таъм ҳам бағишлайди.

Қиз бола фарзанди билан иштирок этаётган оилалар ўртасида ўтказилган мусобақаларда 1-ўринни Тошкент почта вакили Б. Раҳимов, 2-ўринни Тошкент ахборот-технологиялари универ-

ситети вакили Ш. Тоҳирий, 3-ўринни махсус авария-тиклаш бошқармаси вакили Баҳодир Раҳимовлар оиласи қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA,

Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Baxtiyor MAHMADALIYEV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Eson RAJABOV,

To'liqin TESHABOYEV,

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;

Buxoro + 99893 653 50 81;

Jizzax + 99872 360 00 10;

Navoiy + 99894 226 28 84;

Namangan + 99897 491 79 28;

Samarqand + 99866 708 70 12;

Surxondaryo + 99897 458 05 07;

Farg'ona + 99873 221 93 19;

Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;

Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilibiz:

100165, Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: Ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

Sh. Norqulova

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi: **H. Abdullolov**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

© - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.40 Topshirildi -23.00

Buyurtma Γ — 511

21945 nusxada bosildi

2 3 4 5

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:
«Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида пенсия жамғармаси учун 2-қаватли 12x18 ўлчамли маъмурий бино қурилиши».

Муддати — 30.10.2012 йил.
Бошланғич нархи: — 408 521 124 сўм ҚҚС билан, 340 434 270 сўм ҚҚСсиз.

«Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Молия органлари маъмурий биносига қўшимча 2 қаватли 12x18м ўлчамли бино қурилиши».

Муддати — 30.10.2012 йил.
Бошланғич нархи — 390 909 942 сўм ҚҚС билан, 325 758 285 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 43. тел: 8 (373) 224-24-33, 224-32-06.

Қурилиш ишлари Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй манзилида ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
69769-СОНЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 69769-сонли ҳарбий қисм биносини мукамал таъмирлаш».

Муддати — 2 ой.
Бошланғич нархи: — 144 037 480 сўм ҚҚС билан, 120 031 234 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: **69769-сонли ҳарбий қисм.**
Манзил: **Фарғона шаҳар Аэропорт кўчаси.**

Қурилиш ишлари Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий объектларда лицензия ҳуқуқига эга бўлиши, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй манзилида ўтказилади.

STANDARD & POOR'S

2012 йил май ойида

«STANDARD & POOR'S»
халқаро рейтинг компанияси

«Ипотека-Банк»
акциядорлик тижорат ипотека банкига

«B+/B»
рейтингни белгилади.

Рейтинг истиқболи «БАРҚАРОР»

ИПОТЕКА БАНК

Хизматлар лицензияланган